


ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР
ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

13 ЯНВ. ЧИҚАРИШ
№ 64 (3292).
31
МАРТ
ПАЙШАНБА
1966 йил
Баҳоси 2 тинин.

Кеча Москвада, Съездлар саройида Совет
Иттифоқи Коммунистик партиясининг
XXIII съезди ўз ишнин давом эттирди.
Съезда Совет Иттифоқи Коммунистик
партияси Марказий Комитетининг ва КПСС
Марказий ревизия комиссиясининг ҳисобот
докладлари юзасидан музокаралар бошланди.



МОСКВА. Кремнинг Съездлар саройи. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIII съездининг очилиши.

(Сурат ТАСС — ҒаТАГ фототелеграфи орқали олинди).

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIII съезди тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

30 мартда Москвада, Кремнинг Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXIII съезди ўз ишнин давом эттирди.

Съезд КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот докладини ва КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг ҳисобот докладини муҳокама қилишга киришди.

Эрталабки мажлисда КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Н. Г. ЕГОРИЧЕВ, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. Е. ШЕЛЕСТ, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари В. С. ТОЛСТИКОВ, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. КУНАЕВ, КПСС Новосибирск область Комитетининг биринчи секретари Ф. С. ГОРЯЧЕВ, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. РАШИДОВ, Беларуссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М. МАШЕРОВ, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг би-

ринчи секретари В. П. МЖАВНАДЗЕ ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Кечқурунги мажлисда КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот докладини билан КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг ҳисобот докладини муҳокама қилиш давом этди.

Мажлисда Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Я. ПЕЛЬШЕ, КПСС Горький область комитетининг биринчи секретари К. Ф. КАТУШЕВ, Ленинграддаги С. М. Киров номи «Электросила» электр машинасозлиги бирлашмасининг асосбоз асослари Н. Н. РУСАКОВ ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Сўнгра делегатлар ва меҳмонлар томонидан қизгин кутуб олинган чет эл коммунистик ва ишчи партияларнинг вакиллари: Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ВЛАДИСЛАВ ГОМУЛКА, Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Коми-

тетининг биринчи секретари ВАЛЬТЕР УЛЬБРИХТ, Вьетнам Меҳнаткашлари партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ЛЕ ЗУАН съездни табрикладилар. Ўртоқ Ле Зуан Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг табрикномасини ўқиб берди.

Ўртоқ Ле Зуаннинг нутқи тамом бўлагач съезд делегати, КПСС XXII съезди номи металл заводининг электр пайвандчиси Н. М. САВИНОВ Ленинград ишчилари ва барча меҳнаткашлари номидан Вьетнам Меҳнаткашлар партияси делегациясига мурожаат қилиб, жўшқин нутқ сўзлади. У, ўртоқ Ле Зуанга Ленинград ишчиларининг байроқчасини топширди.

Ўртоқ Ле Зуан жавоб сўзида Ленинград ишчиларига қизгин ташаккур айтди ва бу байроқчаи Совет ва Вьетнам халқлари қардошларча дўстлигининг рамзи сифатида сақлаймиз ва авлоддан-авлодга бериб борамиз, деб айтди.

СЪЕЗДГА РАПОРТЛАР

ОБЛАСТ
САНОАТЧИЛАРИНИНГ
МУВАФФАҚИЯТИ

КПСС XXIII съездининг муносиб меҳнат совғалари билан нишонлаш учун бошланган умумхалқ мусобақасида актив иштирок этган Тошкент область саноат корхоналари коллективлари ялпи маҳсулот ва саноат маҳсулотининг қўшма энг муҳим турларининг ишлаб чиқариш бўйича шу йилнинг биринчи квартал планини муддатидан илгари бажардилар. Қўшма энг муҳим пландагидан ташқари жуда кўп электр энергия ҳосил қилиш, нўлат ва прокат, минерал ўнгитлари ишлаб чиқариш, кўмир қазиб чиқариш, қарбид, экскаваторлар, култиваторлар, йиғирув машиналари, кабелларнинг айрим хиллари, шифер, цемент, юмшоқ ёпилги материаллари, устини трикотаж, қорғос, картон, ўсимлик мойи, консервалар ва бошқа буюмлар тайёрлаш учун курашмоқдалар.

Оқнағарон, Олмалик, Бекобод, Чирчиқ, Янгийўл ва Тошкент шаҳар, шунингдек Ўрта Чирчиқ, Янгийўл, Юқори Чирчиқ, Калинин ва Оқдўрғон районлари саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш квартал планини муддатидан илгари бажарилишига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Электрхотим, қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металллар комбинатлари, трансформатор, «Чирчиқсельмаш», Бекобод металлургия, «Ташсельмаш», «Узбексельмаш», «Ташкентабель» заводлари, Юмалок бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинати, Чирчиқ гишт заводи, Тошкент тўқимачилик комбинати, пайпоқ трикотаж фабрикаси ва «Узқў» тўқимачилик галатерия фабрикаси бир неча қўшма бери аяшга оид ҳисобга маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Пойтахт корхоналари планни бажарди

Тошкент шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXIII съездининг муносиб меҳнат совғалари билан нишонлаш учун бошланган умумхалқ мусобақасида актив иштирок этган Тошкент область саноат корхоналари коллективлари ялпи маҳсулот ва саноат маҳсулотининг қўшма энг муҳим турларининг ишлаб чиқариш бўйича шу йилнинг биринчи квартал планини муддатидан илгари бажардилар. Қўшма энг муҳим пландагидан ташқари жуда кўп электр энергия ҳосил қилиш, нўлат ва прокат, минерал ўнгитлари ишлаб чиқариш, кўмир қазиб чиқариш, қарбид, экскаваторлар, култиваторлар, йиғирув машиналари, кабелларнинг айрим хиллари, шифер, цемент, юмшоқ ёпилги материаллари, устини трикотаж, қорғос, картон, ўсимлик мойи, консервалар ва бошқа буюмлар тайёрлаш учун курашмоқдалар.

Пойтахт шаҳар саноат корхоналари планни бажарди

Тошкент шаҳар саноат корхоналари планни бажарди

30 МАРТ ЭРТАЛАБКИ МАЖЛИС

МОСКВА. 30 март. (ТАСС). Кремлдаги Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIII съезди бўлиб ўтди. Съезд КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот докладини муҳокама қилишга киришди.

Эрталабки мажлисда КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот докладини муҳокама қилишга киришди.

СССР ОЛИИ СОВЕТИ
МИЛЛАТЛАР СОВЕТИГА
САЙЛОВЛАР ЎТКАЗУВЧИ
ЎЗБЕКИСТОН ССР САЙЛОВ
КОМИССИЯСИ СОСТАВИГА
НОМЗОДЛАР
КЎРСАТИЛМОҚДА

29 мартда СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайловлар ўтказувчи Ўзбекистон ССР сайлов комиссияси составига номзодлар кўрсатила бошланди.

Ўзбекистон касса союзулари Совети президиумининг кенгайтирилган мажлисида республика касса союзулари Советидан Ўзбекистон касса союзулари Советининг расиси Мирғабд Аббосович, Зондони сайлов комиссияси составига тавсия этиш тўғрисида бир овоздан қарор қилинди.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари илгори тўқувчи Антонина Михайловна Сухарьковани комиссия составига ўзларининг вакили сифатида тавсия этишди.

Ўзбекистон Ёзувчилар Союзи правленияси президиумининг кенгайтирилган мажлисида қабул қилинган қарорга биноан ана шу ижодий союз правлениясининг расиси Комил Нўматов (Яшин) комиссия составига белгиланди.

Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Солих Рашидович Расулов кўрсатилди. (ҒаТАГ).

доклад ва Марказий ревизия Комиссиясининг ҳисобот докладини муҳокама қилиш бошланди.

Раислик қилувчи А. Н. КОСИГИН Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Н. Г. ЕГОРИЧЕВ сўз берди.

Биз қилган ишларимиздан фахрланганимиз ҳақимиз. — деди ўртоқ Егоричев. — Йўлимизда қийинчиликлар, муваффақиятсизликлар бўлганлигига қарамай, КПСС XXII съезидан кейин ўтган йиллар мобайнида кўп иш қилинди. Бу қийинчилик ва муваффақиятсизликлар аса ишмишмиш шубҳасиз мушкуллаштириб қўйди. Шу сабабли КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1964 йил) Пленуми партия учун, бутун мамлакат учун муҳим воқеа бўлди. Марказий Комитетнинг бу Пленуми субъективизм нафийатларини бартараф қилди.

Пленум коммунистик қурилишнинг етилган масалаларини ҳал қилишга чинакам иттифқи нўнча назардан қараш учун қудай ваъзигини вужудга келтирди.

Пойтахт коммунистларининг 730 минг кишилик отряди КПСС Марказий Комитетининг ленинча йўлини қизғин маъқуллади. Янги беш йиллик план юзасидан партия XXIII съездининг Директивалари лойиҳасини Москва коммунистлари ва барча меҳнаткашлари тўла-тўқис қўллаб-қувватладилар.

Съезд делегатлари ва меҳмонларнинг қараклари остида ўртоқ Егоричев бундай деди:

— Москва делегацияси Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ҳисобот давридаги сиёсий йўли ва амалий фаолиятини бутунлай ва тўла-тўқис маъқуллаш тақлиф қилди.

Нотик Москваининг экономикаси, фани ва маданиятини ривожланти-

риш тўғрисида муфассал гапириб, бундай дейди: москвалинлар меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан етти йиллик планни икки йил олдин бажардилар. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми юзасидан белгиланган етти йиллик план муддатидан беш ой олдин адо этилди. Съезд очилган кунда Москва саноати квартал планини бажарди. Шаҳарини реконструкция қилиш учун капитал маблағ сарфлаш етти йиллик плани 117 процент бажарилди. Москванинг уй-жой фонди ободовлиг даражаси жиҳатидан ҳозирнинг ўзидеёқ Европадаги кўпчилик пойтахтларнинг уй-жой фонди даражасидан анча юқори туради.

— КПСС Марказий Комитети март ва сентябрь Пленумларининг қарорлари, аслини олганда, ҳозирги кунда партияимизнинг бутун иқтисодий сиёсатининг ўзига бўлиб қолди.

Экономика ва сиёсатнинг муҳим ва мураккаб проблемаларини ҳал қилишга ўйлаб, реалистик нуктадан назардан ёндашиш, ишда коллективчилик, жамоатчилик фикрини, фан ва практика ютуқларини ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш, раҳбарлик қилиш формалари ва методларини сабот билан тақомиллаштириш бориш КПСС Марказий Комитети, унинг Президиуми ва Марказий Комитет секретариатининг раҳбарлик қилиш ишдаги энг характерли усулбидир.

Москва делегацияси партияда КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросини тиклаш тўғрисидаги тақлифни қўллаб-қувватлайди. Шунингдек партиянинг XI съезидан кейин В. И. Ленин таъаббуси билан жорий этилган Марказий Комитет бош секретари лавозимини тиялаш ҳам тўғри бўлади.

Марказий Комитетнинг йил ичида эълан қилинган бир қанча бажариш бўлиб қолди. Бу — бекиз эмас. Чунки КПСС қанча кучли бўлса,

унинг обрўси қанча орта борса, душманларимиз бизга шунча кутариб ҳужум қилаверади.

Кейинги вақтларда мамлакатнинг сиёсий ҳаётидан сталинизм деб аталадиган қандайдир асосидаги тақлифни қўллаб-қувватлайди. Шунингдек партиянинг XI съезидан кейин В. И. Ленин таъаббуси билан жорий этилган Марказий Комитет бош секретари лавозимини тиялаш ҳам тўғри бўлади.

(Давоми учинчи бетда.)

ПАРТИЯ ВА ХАЛҚНИНГ МОНОЛИТ БИРЛИГИ

ИШОНЧНИ ОҚЛАЙМИЗ

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIII съезди делегатлари орасида бизнинг ҳам вакилимиз бор. Ишончимиз раис. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Абдулла Ортинов съезд ишда катта ҳисоблаймиз. Биз ҳам барча совет ишчилари каби КПСС XXIII съездининг зўр хурсандчилиги билан кутиб олдим. Пайтахтларимиз съезд шарофига социалистик мусобақани кучайтириб экинчи бошлал юбордилар.

Партияимиз съездида ҳар гентар ердан олинмаган ҳосилини бутун чоралар билан йўллатириш ва. зифаси қўйилди. Биз бунини жуда тўғри ва ўз вақтида ўртага ташлаган масала деб ҳисоблаймиз.

Гентар бошига олинмаган ҳосилини ҳамма ерда йўллатиришимиз зарур. Ана шунидагина бара. налия хирмон кўтаришимиз узи. несли таъминлаган бўламиз.

Бу йил 1320 гентар ерга чигит

знамиз. Ана шу майдонининг ҳар гентардан пландаги 27 ўринга 32 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олдим. Бу реал мажбурият.

Партия ва ҳукуматимизнинг бизга бўлган ишончини оқлаймиз, мамлакатимизга кўпроқ эъло сифати «оқ олтин» етиштириб берамиз.

Ю. ТОЛИПОВ,
Янгийўл районидagi «Ленин» ишчи кўлининг партия ташкилотининг секретари.

ҲАЯЖОНЛИ ДАҚИҚАЛАР

29 март кунини мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари қатори тошкентликлар — пахтакор деҳқонлар, ишчилар, олимлар «зангори экинлар ва радио қанайлари енга тўпландилар. Ветанимизнинг иурафшон пойтахти Москвада жонажон Коммунистик партияимизнинг XXIII съезди таътибга билан очилди. Илик

ҳаяжонли дақиқалар... Ҳаяжонланмай бўладими, ахир! Навбатдаги беш йиллик план Директиваларининг лойиҳаси эълон қилингандаёқ миллион-миллион меҳнаткашлар ўз ишчиболсини, келажак режаларини кўрган эди уларда. Кунини кеча Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети-

ЛЕНИНИЗМГА САДОҚАТ

лқун ясади. Партия Марказий Комитетининг ҳисоботи юзасидан Л. И. Брежнев қилган ёрқин докладда партиянинг ички ва ташқи сиёсат соҳасидаги фаолияти чуқур анализ қилиб берилди. Партия XXII съезидан кейинги ўтган даврда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси мамлакатимиз халқларини коммунизм қурилиши вази-фаларини ҳал этишга сафарбар этиб, ажойиб муваффақи-

ятларини қўлга киритди. Ленинча бош йўлга солиб бўлган партияимиз янги жаҳоний моддий-техника базасини яратди. Халқнинг моддий фаровонлигини юксалтириш ва маданиятини ривожлантириш соҳаларида етти йилликда қатта тадбирларни амалга оширди. Ташқи сиёсат соҳасида у дунёда тинчлик учун кураш йўлида сойиқадамлик, ленинизмга садоқат намунасини кўрсатмоқда.

Партияимизнинг ўшбу съезидида мамлакатимизнинг келажак истиқболини белгилаб берувчи улуғвор режалар муҳокама қилинмоқда. Бизнинг ишончимиз коммулик, тарихий XXIII съезд қарорлари Ватанимизга куч-қудратини янада оширишга, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини тагин ҳам кўтаришга, коммунизм марраларини яқинлаштиришга хизмат қилади.

М. Ғ. ВАХОНОВ,
тарих фанлари доктори.

нинг КПСС XXIII съезидида ҳисобот доклади эълон қилинган, нурафшон уфқлар тагин ҳам аниқроқ кўринди. Қаҳрамон совет халқи шонли Компартия раҳнамолигида олға интилаверди, янги-янги зафарларга эришаверади.

СОБир АБДУЛЛА,
Ўзбекистон ССР халқ шокири.

